

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАР ЎЗARO АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Италияга расмий ташрифи ва унда эришилган келишувлар халқаро ахборот мақони ҳамда хоржий экспертларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.



тириш учун катта имконият мавжудлигини яна бир бор кўрсатди.

Шу билан бирга, глобал миқёсда озиқ-овқат танқислиги ва хавфсизлигига хатарлар кучайиб бораётган бир шaroитда Ўзбекистоннинг ФАО билан шериклигини янада кенгайтириши муҳим аҳамиятга эга. Бу республикада ер ва сувдан фойдаланиш, агро-саноат мажмуи, ўрмон хўжалиги, экология, чорвачилик ва кўпбоқ бошқа йўналишлар келажакда халқаро илгор стандартлар асосида ривожланишидан дарак беради.

Эмин ГАРИБЛИ, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети Халқаро иқтисодиёт кафедраси доценти:

— Жаҳон инқирози фонида Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви ҳар икки давлатнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги иқтисодий алоқалар, айниқса, Ўзбекистоннинг геoiқтисодий мавқеи юксалиб бораётган бир шaroитда катта аҳамиятга эга. Ҳар икки давлат турли соҳаларда ўзарo манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш салоҳиятига эга. Ўзбекистон ва Италия савдо соҳасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Италия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо шериги ҳисобланади.

Изабела МАРЧИНОВСКА, Польша иқтисодий тадқиқотлар маркази (CASE) бошқарув кенгаши президенти:

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ва ортга кайтмас демократик ислохотлар ҳамда иқтисодий ўзгаришларни Варшавада диққат билан кузатиб бормоқдамиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатда ҳам барча халқаро ташкилотлар ва асосий ҳамкор давлатлар билан фаол иш олиб бораётгани таҳсинга сазовордир.

Президент Сержо Маттарелла, Вазиrлар кенгаши Раиси Жоржа Мелони, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дуньюй, Ломбардия вилояти губернатори Агнелио Фонтана билан музокаралар, шунингдек, Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан ўтказилган давра сўхбати давлатнинг иқтисодий Италияга расмий ташрифи нақадар мазмунли, тарихий ва муваффақиятли бўлганидан далолат беради.

Ташрифнинг Италия миллий байрами — Республика куни кенг ишонланаётган вақтда бўлиб ўтгани ҳам катта маънога эга. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатилиш, 11 та энг муҳим ҳужжатлар тўламини имзоланиши, бизнес форуми якунида умумий қиймати 9 миллиард евродан зиёд бўлган инвестициявий битим ва савдо шартномаларининг тузилгани, ҳеч муболағасиз, саммитнинг нақадар долзарб аҳамият касб этганидан далолат беради.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар соҳада бир қатор муҳим битимлар имзоланди. Жорий йил апрель ойида бошбош Тошкент ва Милан ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар очилгани маданият, таълим ҳамда туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлан-

диёт самарадорлигини ошириш учун шaroит яратмоқда.

Туртинчидан, географик жойлашуви. Ўзбекистон Осиё, Европа ва Яқин Шарқни боғловчи кўпбоқ транспорт йўналишлари чорраҳасида жойлашган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва сармоявий муҳитнинг яхшиланиши турли мамлакатлар, жумладан, Италиядан хоржий сармояларни жалб этмоқда. Шу боис Италиянинг кўпбоқ компаниялари Ўзбекистонда фаол бизнес юритиб, тўқимачилик саноати, қурилиш, туризм ва бошқа соҳаларга сармоя киритмоқда. Хоржий сармоя Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига ва технологиялар трансферига хизмат қилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон турли мамлакатлардан, жумладан, Италиядан кўпбоқ сайёҳларни ўзига жалб этуви бой маданий мерос ва тарихий жойларга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Туризм индустриясининг ривожланиши иқтисодиётнинг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига ва туризмдан келадиган даромадларнинг ошишига муҳим омил бўлгачи.

Италия илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида етакчи давлатлардан биридир. Технология ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда янги технологияларни ўзлаштириш, меҳнат унумдорлиги ва рақобатбардорлигини ошириш, миллий инновацион тизимни ривожлантириш имконини беради. Ушбу жиҳатлар Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг икки давлат учун муҳимлигини англатади. Мазкур йўналишларда ҳамкорлиқнинг янада чуқурлашиши Ўзбекистонда меҳнат бозорининг юқори самарадорлигини таъминлаши мумкин.

Ҳикмет ЭРЕН, «EcoAgency» Евроосиё иқтисодий алоқалар ассоциацияси бошқаруви раиси:

— Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсати шарофати билан Ўзбекистон — Италия муносабатлари, айниқса, савдо-иқтисодий йўналишда реал тараққиётга эришди.

Бу галги ташриф ва олий даражадаги келишувлар икки томонлама кўп қиррали ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ҳамда мавжуд имконият салоҳиятидан келгусида тўлиқ фойдаланишдан Ўзбекистон ва Италия манфаатдор эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, бизнес юритиш ва сармоявий ҳамкорлик учун кулай шарт-шaroитлар яратиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган. Бунинг натижаси улароқ, Ўзбекистон Италия учун тобора истиқболли иқтисодий ҳамкорга айланиб бормоқда.

Товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ва Италиянинг 54 та йирик компаниясининг республикада муваффақиятли фаолият юритаётгани ҳам икки давлат бизнес тузилмалари ўртасидаги самарали ҳамкорликдан далолат беради.

Ишончим комилки, ташриф якунлари, жумладан, энергетика, металлургия, қурилиш материаллари саноати, соғлиқни сақлаш ва томонларни қизиқтирган бошқа соҳаларда янги қўша лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича келишувлар Ўзбекистон — Италия муносабатларини янада ривожлантириш учун кучли рағбат бўлади.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон — Италия: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛИК

Италия Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги энг муҳим ҳамкорларидан бири. Ушбу ривожланган мамлакат Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб 1992 йилнинг январидак тан олган ва 31 йилдирки, унинг давлат суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу давр ичида Италия мамлакатимизнинг вақт синовидан ўтган ҳамкорларидан бирига айланди.



Кейинги йилларда сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик анча фаоллашди. Изчил ўсиш барча жабҳада намён бўлаётганини кузатиш мумкин.

Бу борада рақамларга мурожаат қилсак, кейинги йилларда ўзарo товар айирбошлаш ва қўша корхоналар сони икки баробар кўпайганини кўришимиз мумкин.

Металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Италиянинг «Pietro Fiorentini», «Terra-nova», «Danieli», «Imagro», «Ansaldo», «Saipem» каби етакчи компаниялари изчил фаолият юритмоқда. Ўзарo товар айланмаси 2017 йилдаги 172,2 млн. АҚШ долларидан 2022 йилда 381,1 млн. долларга етгани ҳам ўзарo иқтисодий алоқалар шиддат билан ривожланаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Италия сармояларининг ҳажми эса 2019 йилдаги 7,1 млн. АҚШ долларидан 2022 йилда 49,6 млн. долларни ташкил этганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда ушбу мамлакат капитал иштирокида 54 та, жумладан, 35 та қўша ва 1 та соф Италия капиталли асосида барпо этилган қўша корхона фаолият юритмоқда. Италиянинг 6 та корхонаси ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида аккредитациядан ўтган. Улар алкогoлисз ичимликлар, вино маҳсулотлари, парфюмерия, тўқимачилик маҳсулотлари, чарм-пойабзал, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, пахта чиқиндиларини қайта ишлаш, савдо-сотик ва воситачилик хизматлари соҳасида фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасидаги парламентларо алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. 2012 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Италия парламенти Депутатлар палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган бўлиб, у парламентларо алоқаларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

2011 йилдан бери Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Италия парламенти Депутатлар палатаси билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳ фаолият олиб бормоқда. У Олий Мажлис фаолиятида фойдаланиш мақсадида Италия парламенти қонунчилик ва назорат-таҳлил таҳрибасини мунтазам равишда ўрганиб бормоқда.

Ўз навбатида, Италия парламенти Депутатлар палатасида ҳам «Италия — Марказий Осиё» парламентларо дўстлик гуруҳи ташкил этилган бўлиб, ҳар иккала гуруҳ ўртасида онлайн ва офлайн форматлардаги доимий мулоқот йўлга қўйилган.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат маданий соҳаси вакиллари ўзарo тадбирларда иштирок этиб келмоқда. Масалан, Италия вакиллари Самарқанд шаҳридаги «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг мунтазам иштирокчиси ҳисобланади.

Тошкентда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари фаолият олиб борапти. Кетма-кет уч йил Ўзбекистон Венедияда архитектура соҳасидаги халқаро биеналледа муваффақиятли иштирок этиб келаяпти. Жорий йилнинг иккинчи бери Ўзбекистонга келаятган италиялик сайёҳлар сони 5 марта кўпайди. Апрель ойидан бошлаб Тошкент ва Милан ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани ҳам туристлар оқимининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат етакчилари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишни, шу жумладан, Термиз шаҳридаги логистика маркази имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда давом этириш муҳимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, Президентимизнинг Италиянинг тараққий этган Ломбардия вилоятига ташрифи ва ушбу ҳудуд губернатори билан учрашуви ҳам гоят кўтаринки руҳда ўтди. Бу ерда Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан қизгин мулоқот давомида Ўзбекистоннинг иқтисодий-сармоявий имкониятлари тақдим этилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари «ITMA 2023» тўқимачилик машинасозлиги бўйича энг йирик халқаро кўргазмага ташриф буюриб, бу ердаги экспонатлар билан танишди.

Умуман, жуда самарали ўтган тарихий ташриф давомида қатор келишувларга, аниқ дастур ва лойиҳаларга асос солинди. Хусусан, Ўзбекистон саноати учун Италиядан ускуналар ва илгор технологияларни етакчи беришни кенгайтириш, энергетика, транспорт, туризм инфратузилмаси, тиббиёт, фармацевтика, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, металлургия, қурилиш материаллари, электротехника, ишлаб чиқариш бўйича фойдалани келишувларга эришилди.

Мебель, чарм, тўқимачилик, ипақ маҳсулотлари, автомобиллар эҳтиёт қисмлари, мева ва сабзавотлар, виночилик, чорвачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишларида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича катта қадамлар ташланди.

Қўша лойиҳаларни молиялаштиришда инвестиция банклари, иxtисослаштирилган агентликлар, жамағармалар иштирокини кўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес ўртасида мунтазам мулоқотларни йўлга қўйиш, Италия саноат технологиялари самарали трансферини амалга ошириш каби йўналишларда муҳим аҳдлашувларга эришилганини икки томонлама муносабатларнинг келажакги истиқболли эканидан далолат беради.

Муҳтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг Италияга амалга оширган ташрифи, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Эерo, мамлакатимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизнинг турли жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар тобора чуқурлашаётган айни муҳим паллада Италия-дунё тараққий этган иқтисодиётга эга, денгизда ўз қўшиқчи позициясини намён қилаётган кудратли давлат билан муносабатларини янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтариш стратегик аҳамият касб этади.

Мазкур ташрифнинг яна бир аҳамияти жиҳати шундаки, у бир томондан, Италия инвестициялари ва юқори технологияларни тўғридан-тўғри мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, бизнес тузилмалар ўртасида ҳамкорлиқни ривожлантириш учун кулай имкониятлар яратса, иккинчи томондан, Италия тимсолида бутун Европа жамоатчилигини мамлакатимизда уддаланаётган туб ўзгаришлар ва кенг қўламли модернизация жараёни ҳақида таништириш имконини беради.

Айни чоғда ташриф якунлари ва натижалари халқаро экспертлар томонидан сўнгги йилларда кескин фаоллашган бораётган Ўзбекистоннинг конструктив, миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқлиги таъминлирига асосланган ташқи сиёсатининг ва кўп қиррали сиёсий-дипломатик сайёҳ-ҳаракатларнинг навбатдаги улкан амалий ютуғи сифатида баҳоланаётгани эътиборга моликдир.

Қодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари, «Ўзбекистон — Италия» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЯҚИН ШАРҚДАГИ ИККИ МУҲИМ ДАВЛАТ

Бугун дунёда юз бераётган шиддатли глобал ўзгаришлар шaroитида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тобора фаоллашиб бормоқда. Озиқ ва прагматик йўл тутаятган Ўзбекистон халқаро майдонда ишончли ҳамкорлар сафини кенгайтираётган. Улар орасида араб мамлакатлари, жумладан, Қатар алоҳида ўрин тутайди. Мазкур давлат нафақат араб-муслмон оламида, балки дунёда ҳам катта нуфузга эга.



Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Хамад Ол Сонийнинг самарали музокаралари бўлиб ўтди. 25 йиллик дипломатик муносабатлар тарихида биринчи бўлиб ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бераётгани ҳамда уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди. Қатар нафақат Яқин Шарқ минтақасида, балки бутун араб-муслмон оламида Ўзбекистоннинг истиқболли ҳамкорига айланди.

Самарқандда ўтган музокараларнинг энг муҳим муваффақиятларидан бири шундаки, Қатарнинг етакчи компаниялари энергетика, газ-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди. Ўзбекистон — Қатар бизнес форумини ўтказиш, қўша лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини яратиш тақлифи узоқ муддатли ва ўзарo манфаатли ҳамкорликда интилишдан далолат беради. Қисқача айтганда, мамлакатларимизнинг ўзарo савдо кўрсаткичларини кўтариш, қўша инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёр экани маълум бўлди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Хамад Ол Соний ҳузурнда савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган 15 та икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳам ташрифнинг Қатар ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлардаги илк муваффақиятли тадбир бўлиши йўли юзасидан ҳулоса чиқаришга имкон беради.

Қадимий Самарқанд шаҳрида икки давлат раҳбарлари маданий-маърифий ва сайёҳлик алоқаларини, жумладан, халқ дипломатияси доирасида қўша маданий ҳафталикларни, концертлар, хунармандчилик ва ошпазлик кўргазмаларини ўтказиш орқали фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Дарҳақиқат, Қатар Амирининг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатларда тарихий бурилиш бўлди. Расмий Доха ва Тошкент барча соҳада қўша ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича ишламоқда. Бу, ўз навбатида, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида сармоявий ҳамда юқори технологияли ришталарни кенгайтиришга хизмат қилади.

Экспертлар яқдиллик билан ургўлаётганларидек, Ўзбекистон Президенти ташқи сиёсатда ҳамкорлик ва интеграция стратегиясини амалга оширишни фаол давом эттирмоқда. Давлатимиз раҳбари Қатар ҳукуматини минтақаларимиз учун энг муҳим трансфoн темир йўли лойиҳасини биргалликда илгари суришни тақлиф қилди, бу эса шубҳасиз, унинг амалий натижасига ҳисса қўшади.

Қатар ва Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон бир-бирини тўлдирадиган манфаатлар, имкониятлар ва салоҳиятга эга. Ўзбекистон ва Қатар корхоналари ўртасидаги алоқалар, савдо-сотик, туризм, таълим

алмашинуви, сармоявий шерикликнинг кенгайиши икки давлат учун ҳам самарали бўлади. Ушбу соҳалардаги ҳамкорлик ҳам кенгроқ минтақа, жумладан, Форс кўрфазини Марказий Осиё, Афғонистон орқали Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо йўлаклари манфаатларига хизмат қилади.

Аслида ҳам, ҳар икки давлат ўзгаришларга сабаб бўладиган ва стратегик мустақиллик, тинчлик ва фаровонлиқни оширишга олиб келадиган қарашларга эга. Бундан ташқари, Қатарнинг Яқин Шарқдаги, жумладан, Афғонистондаги можароларни ҳал этишдаги фаол ролни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасида афғон муаммосига ечим топиш бўйича яқин мулоқот минтақда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим қадам бўлади, десак, айни ҳақиқат. Афғонистонга нисбатан юритилаётган прагматик сиёсат, бу юрт иқтисодиётини кўллаб-қувватлаш ва жафоқаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида дадил қадамлар ташланаётгани фикримизни далиллайди.

римиз юксак даражада кўтарилди. Ҳамкорлиқнинг юксалишидан Ўзбекистон ҳам, Қатар ҳам бирдек манфаатдор. Шу нуктага назардан айтиш мумкинки, Ўзбекистон йирик ва ўсиб бораётган бозорга эга, Қатарда эса сармоя киритиш учун катта капитал бор.

Асосийи, Қатар Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги салоҳиятли иқтисодий ҳамкорига айланди. Муҳими мамлакатларимизнинг ўхшаш жиҳатлари ҳам қўша. Хусусан, ҳар икки давлат ҳам сўнгги йилларда сезиларли даражада иқтисодий ўсишга эришди. Ўзбекистон 2017 йилдан бўён йилига ўртача 7 фоизга, Қатар эса 2010 йилдан бўён йилига ўртача 10 фоизга ўсди. Бунга Ўзбекистон ҳам, Қатар ҳам солиқлар ва қоидаларни камайтириш каби бир қатор иқтисодий ислохотларни амалга оширгани боис эришди, десак, хато бўлмайди. Мазкур раёб тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини оsonлаштириб, хоржий сармояларни жалб этишга қўмақлашди.

Умуман, шайх Тамим бин Хамад Ол Сонийнинг юртимизга амалга оширган ташрифи Ўзбекистон — Қатар муносабатлари ривожига муҳим воқелик бўлиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда аҳамияти юксакдир. Шундай экан, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар қўлами йил сайин кенгайиб бораверади.

Бобир ТУРСУНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ — КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ



этомқа. Бу каби муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳисобланади.

Чунки юқоридаги каби экологик масалалар ҳал этилмаса келажақда тузатиб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловда дастурида биринчи йўналиш мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминлаш ва «яшил» иқтисодиётга ўтишни жадаллаштиришга бағишлангани ҳам ушбу мақсаднинг нақадар устувор ва аҳамиятли эканидан далолатдир.

«Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун партияимиздан номзод ўз Сайловда дастурида қатор мақсадларни ўз олдига қўймоқда:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади.

Бу эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Маълумки, мамлакатимизда «яшил» иқтисодиётга ўтишда географик жойлашув, иқлим ўзгариши ҳамда инновацион ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича юқори техник салоҳиятга эга эканидан келиб чиқиб, аввало, иқтисодиёт тармоқларида қуёш, шамол, кичик сув оқимлари, геотермал ва биомасса энергиясидан фойдаланиш ҳамда ушбу йўналишларга илғор инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Номзод Сайловда дастурида иқтисодиётнинг барча соҳаларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш ва жараёнин рағбатлантиришнинг узвий механизmlарини яратиш тақлиф этилмоқда.

Ўзбекистон иқлим шароитидан келиб чиқадиган бўлса, «яшил» энергия манбаларининг қарийб 97 фоизи қуёш энергиясига тўғри келади.

Юртимиз ҳудудларида қуёш энергиясини генерациялаш қудрати — 525 дан 760 миллиард кВт/соатгача. Бунинг сабаби, йилга қуёшли кунлар сони 320 кун ва фаол қуёш соатлари сони ўртача 3000 соатни ташкил қилишидир.

Бу қайта тикланувчи энергия манбаларини барча жабҳаларда кенг жорий этиш учун қулай имконият. Бу имкониятдан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда етарлича фойдаланиш, ҳар бир соҳага «яшил» иқтисодиёт тамойилларини олиб кириш йўллари Сайловда дастурида аниқ акс этган.

Жумладан, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари соҳасида бозор механизmlарини татбиқ этиш, энергия ресурслари бозорига хусусий сектор иштирокчини кенгайтиришни тақлиф этмоқдамиз. Бу орқали аҳолининг муттасил охиб бораётган энергия эҳтиёжини қондириш мумкин бўлади.

Аввало, чекка ва олис ҳудудларда қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчилар фаол қўллаб-қувватланади. Улар учун жозибадор лойиҳалар тақлиф этилади. Хусусий инвесторлар учун имтиёз ва преференцияларни жорий этиш орқали ҳам соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш кўзда тутилган.

Дастурда иқтисодиётнинг кўп ресурс талаб қиладиган — энергетика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал соҳаларда энергия, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион экологик ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш

Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Сайёраимиз аҳолиси кўпайишда давом этапти, табиий ресурслар захираси эса муттасил равишда қисқармоқда. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашувини кузатишимиз. Дунё ҳамжамияти эса вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодиётида «яшил тараққиёт» тамойилларини жорий қилиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Марказий Осиё ва бутун дунё учун долзарб аҳамиятга эга Орол фожиаси, шунингдек, ер ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, ерларнинг ва экотизимнинг таназзулга учраши, биологик хилма-хилликнинг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари генофондининг қисқариши, атмосфера ҳавоси ва оқова сувларнинг ифлосланиши, саноат ва маиший чиқиндиларнинг тўпланиши каби экологик муаммолар ҳар бир мамлакатни бу масалага янада жиддий эътибор қаратишини тақозо

этомқа. Бу каби муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳисобланади.

Чунки юқоридаги каби экологик масалалар ҳал этилмаса келажақда тузатиб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

орқали, аввало, аҳолининг эҳтиёжларини қондириб, фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун моддий неъматларни яратишнинг барқарор равишда экология ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан кўпайтириб бориш имкониятлари кенгайди.

Иккинчидан, мамлакатдаги асосий ишлаб чиқарувчилар, айниқса, йирик корхоналар «яшил» технологияларга йўналтирилади.

Бутун дунёда, қолаверса, мамлакатимизда ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Париж битими доирасида Ўзбекистон 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган «иссиқхона газлари» ташланишини 35 фоизга камайтириш мажбуриятини олгани буни яна бир бор тасдиқлайди.

2026 йилга бориб «яшил» энер-

кела бошлайди ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳосил қилувчи технологиялар бозорига кучли рақобат шаклланади. Натижада аҳолининг ва кичик бизнес субъектларининг «яшил» энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти сезиларли ошади, маҳсулот ва технологиялар тан нархи пасаяди.

Тўртинчидан, тармоқлар ва ҳудудларнинг «яшил иқтисодиётга ўтиш индекси»ни ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилади.

Бу бизга нима беради?

Аввало, мамлакатимизда «яшил» иқтисодиётга ўтиш борасида кенг қўламда шароит ва имкониятлар яратилар экан, ундан мақсадли фойдаланиш орқалигина қўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳамда ҳудудларда бу имкониятлардан фойдаланиш даражасига баҳо бериш учун ҳам «яшил иқтисодиётга ўтиш индекси» талаб этилади. Қолаверса, «яшил» иқтисодиёт мамлакатимиз келажаги



қандай молиявий инструментлардан фойдаланиш муҳимлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Айниқса, бу жараёнда давлатнинг ўрни, бозор механизмлари учун яратилаётган шарт-шароит соҳанинг нечоғли ривожланиб кетишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод «яшил» иқтисодиётни ривожлантиришнинг молиявий юқини тўлиқ Давлат бюджетига юқлаш тарафдори эмас.

Айни вақтда ҳар қандай бизнесдаги «яшиллик» учун зарур шароитлар яратиш, «яшил» лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этувчиларга имтиёзлар бериш, «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ишлаш учун рағбат ва мотивация уйғотиш биз қўзлаётган мақсадларга эришишнинг устувор йўналишига айланади.

Олдимизда турган асосий масалалардан бири, бу — энергетика тизимидаги муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдир.

Ҳаммамизга маълум, аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини узлуқсиз энергия билан таъминлаш жуда муҳим масала. Шу боис ҳам номзоднинг Сайловда дастурида бунга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Сўнги йилларда юртимизда 6 та янги иссиқхона ва 1 та қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилиб, охириги 5 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича яратилган янги қувватлар ҳажми 5 000 мегаваттдан ошгани алоҳида қайд этиш жоиз.

Бироқ аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергияга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини ҳисобга олсақ, яқин йиллар ичида бундай натижалар мамлакатимиз учун етарли бўлмай қолиши мумкин.

Номзоднинг Сайловда дастурида мамлакатда энергия барқарорлигини таъминлашда хавфсиз ва безарар энг тўғри йўл сифатида қайта тикланувчи энергияни ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Хусусан, бу борадаги ишларни имкон борица тезроқ ва сифатлироқ амалга ошириш орқали халқимизни бугунги замонавий ҳаётга учраётган электр энергияси танқислиги муаммосидан халос қилишнинг муқобил ва хавфсиз йўллари тақлиф этиляпти.

Биринчидан, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган «Яшил энергетика стратегияси»ни ишлаб чиқишимиз зарур.

Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, мана шу орқали олдимизда турган асосий масалалардан бири — энергетика тизимидаги муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мумкин бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш учун катта сармоя киритилиши зарур.

Аммо бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлса, бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш вақти етди.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг кўп ресурс талаб қиладиган — энергетика, қурилиш, қишлоқ

хўжалиги, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал соҳаларида энергия, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион экологик ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш биринчи гада давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Албатта, Ўзбекистон Экологик партиясидан илгари сурилаётган номзод «яшил» иқтисодиёт фақат энергетика соҳасини слоқ қилишдан иборат эмаслигини таъкидламоқда.

Бунда озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар, барқарор шаҳарлар, чиқиндиларни оқилона бошқариш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш, чўлланишни қисқартириш каби кўп қиррали чора-тадбирлар ҳам илгари сурилмоқда.

«Яшил» иқтисодиётга ўтишдаги навбатдаги қадам — аҳолини экологик тоза товарлар сотиб олишга ундаш, «яшил» технологияларга таянувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, қурилишда, энергияни кўп талаб қилувчи тармоқларда энергия самарадор технологияларни жорий қилишдир.

Ушбу тизимни яратишда давлатнинг ўзи, биринчи навбатда, тартибга солувчи вазифасини бажариши керак.

Бугунги глобал масалалардан яна бири — атмосфера ҳавосига чиқарилаётган захарли газлар миқдорини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади.

Зотан, «яшил» иқтисодиётнинг асосий талаби ҳам умумий иқтисодиётни табиат ва атроф-муҳитга зарар келтирмасдан ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловда дастурида атмосфера ҳавосига ифлосланиши муаммосига ечим бўладиган бир қатор тақлифлар илгари сурилмоқда.

«Яшил» иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи транспортлардан чиқадиган чиқиндиларни камайтиришдир.

Ўзбекистонда 2022 йилда атмосферага ташланган мақдори 2,057 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, шундан 63 фоиз транспорт воситалари, 37 фоиз саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Шунинг учун ҳам бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган транспорт воситалари ва улардан чиқадиган захарли газлар муаммосига ечим топишимиз шарт.

Шунингдек, 2022 йилда биргина Тошкент шаҳрида транспорт воситаларидан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар миқдори 403 минг тоннани

ташкил этган бўлса, мамлакат бўйича бу кўрсаткич 1 млн. 296,9 минг тоннага етган. Мана шу рақамларнинг ўзиде мамлакатимизда углеводород хомашёси билан юрадиган транспорт воситалари келажаги ҳақида жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Сайловда дастурида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бу борадаги энг муҳим ташаббус — 2030 йилдан бошлаб, мамлакатда ички ёнув двигателли энгил автомобилларни сотиш, четдан олиб киришни тақиқлаш тақлиф этиляпти.

Шу билан бирга, атмосферани ифлослантиришда юк ташувчи йирик машиналарнинг улуши ҳисобга олиниб, юк ташишни йирик юк машиналаридан темир йўлларга ва атроф-муҳитга камроқ таъсир кўрсатадиган бошқа транспорт турларига ўзгаришимиз зарур.

Бундай стратегик мақсадлар дунёнинг ривожланган мамлакатларида аллақачон кун тартибига чиққан. Хусусан, Японияда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига 2050 йилга бориб автотранспортлардан атмосферага ташланган мақдори ноль фоизга тушириш режалаштирилган.

Буюк Британия эса 2030 йилга бориб дизель ва бензинли автомобиллар сотилишини бутунлай тақиқламоқчи.

АҚШда 2030 йилга бориб, барча янги энгил автомобиллар ва юк машиналарининг 50 фоизини ноль чиқиндилли транспортларга алмаштириш режалаштирилган.

Дунёда инсон фаолияти натижасида ҳар йили атмосферага 20 миллиард тонна карбонат ангидрид гази чиқарилади ва 300 миллион тоннадан ортиқ пластик чиқиндилар ҳосил бўлади.

«Яшил» иқтисодиёт тамойилларидан бири эса барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, кам углеродли, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий қилишдан иборатдир.

Янги иқтисодий моделга ўтиш босқичма-босқич ёндашувни талаб қиладди.

Утишнинг асосий босқичларини Европа Иттифоқи томонидан жорий этилаётган экологик ташаббуслар мисолида кўриш мумкин.

Бунда, биринчи босқичда атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқаришга инвестицияларни камайтириш муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, Европадаги қўллаб-қувватлаш 2022 йилдан бошлаб газ лойиҳаларига кредит беришни тўхтатмоқда.

Бу нафақат саноатни имтиёзли давлат кредитларидан маҳрум қиладди, балки хусусий инвесторларни жалб қилишни ҳам камайтиради.

Ўзбекистон Экологик партиясининг номзоди томонидан тақлиф этилаётган ҳар бир дастурий йўналиш замирида мамлакатимизни «яшил» тамойиллар асосида барқарор ривожлантириш, соф ва тоза атроф-муҳит яратиш, инсон ва табиат учун бирдек хавфсиз ҳаёт бунёд этиш каби эзгу мақсадлар ётади.

Халқимизни, экологияга бефарқ бўлмаган барча фуқароларимизни дастурида белгиланган устувор вазифаларини амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бебаҳо табиий бойликларини асраб-авайлашдек муҳим мақсадларга эришишда биргаликда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Она табиатимизни асраш масаласига бефарқ бўлманг!

Хайрулло ГАППОРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон Экологик партиясининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚЧИЛ ПАРЛАМЕНТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИ



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Электрон парламент" механизмида самарали фойдаланилиши натижасида, ҳатто пандемия шароитида ҳам миллий парламенти бир кун ҳам ўз иштини тўхтатмади. Барча муҳокима ва овоз бериш жараёни онлайн тарзда ўтказилиши йўлга қўйилди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ҳам бутунлай янги йўналишда ташкил этилди.

Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида Парламент тадқиқотлари институти фаолиятига асос солинди.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Жумладан, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди. Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижроси учун қонуниёт ҳужжати ишлаб чиқиши талаб этилмайдиган қонунларни қабул қилишга эътибор қўйилди.

Муайян соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир неча қонун ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топди. Масалан, сайловга оид 5 та қонун ўрнига ягона Сайлов кодексига асос солинди. Худди шундай, янги Меҳнат кодекси қабул қилинди.

Илгари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари парламентга қонун лойиҳасини киритиш ҳимол қилганда, уни депутатлар олдига бўлиб қилиш масаласига унча эътибор қаратилмас эди.

Шу боис бошқа субъектлар киритган қонун лойиҳасини парламентда ҳимол қилиш ҳам депутатлик корпуси зиммасига юклатиларди. Бу эса лойиҳанинг қизгин муҳокимасига салбий таъсир кўрсатар эди. Эндилик эса қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг ўзи ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши белгиланди. Натижада қонун лойиҳасининг муҳокимаси том маънода жонланди.

Утган даврда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган илгари мавжуд бўлмаган 50 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Масалан, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги, "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, қонунларнинг асл мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тарзда аҳолига етказиш мақсадида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш хусусиятидаги қонунларнинг кириш қисмида уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи муқаддималарни баён қилиш амалиёти жорий этилди. Бу эса ўзгариш ва қўшимчалар киритиш қўзда тутилган қонуннинг фуқароларга, қонунни қўлловчиларга содда ва халқчил тилда тушуниш имконини берапти.

Имиллий қонунчиликни тизимлаштириш ва ривожлантириш мақсадида қонун тартибдаги қонун ўрнига янги қонунни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу қонунчилик базасининг тизимлигини ва комплекслигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Парламентаризм тизимининг салоҳиятини ошириш соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида парламентнинг назорат қилиш ваколатлари ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди.

Жумладан, Вазирад Мажлисининг давлат дастури ижроси бўйича парламент олдига ҳар чорақда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Парламент назоратининг ушбу янги шакли Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдигаги масъулиятини ошириш, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда депу-

татлик корпусининг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш — "Ҳукумат соати" институти амалиётга самарали жорий этилди. Мазкур институт парламент назорати фаолиятига янги раҳол қилди. Бугунги кунда аҳолини ташвишга солиб келаётган ҳаётий долзарб муаммоларга айнан "Ҳукумат соати" тадбирларида ечим топилимоқда.

Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни қонун шаклида қабул қилинди. Ўз навбатида, бюджет ижроси устидан назорат ҳам эндиликда вазирлик ва соҳалар кесимида манзилли олиб борилаётган.

Бугунги кунда нафақат Ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, балки Ҳукумат аъзоларига номзодларни Қонунчилик палатаси томонидан қўриб чиқиш ва маъқуллаш амалиётга ўтилди. Бу эса ҳукумат таркибини шакллантиришда халқ вакиллариининг бевоқиф иштирокини таъминламоқда ҳамда уларнинг фикри ва овози асосида муайян бир вазир ёки ҳукуматнинг бошқа аъзосини лавозимга қўйиш амалга оширилоқда. Қолаверса, Вазирад Мажлисининг Олий Мажлисдаги ваколатли вакили лавозими жорий этилди.

Утган даврда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қўйиётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизми ва самарали усулларини қўллаш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Сайлов округларидаги сайловчилар билан ҳамкорликнинг шакли ва усуллари ўзгаририлди. Халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлик касб этди. Илгари депутатлар ўз сайловчилари билан йилда 2-3 марта учрашган бўлса, бугунги кунда депутатлар ҳар ойнинг охирига ҳафтада сайлов округларида бўлиб, уларни қўйиб келаётган муаммоларга ечим топиш билан шуғулланмоқда.

Қолаверса, депутатлар ўз сайловчилари билан ахборот-коммуникация технологиялари орқали мулоқот олиб бормоқдалар. Ахборот майдониде депутатлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Депутатлар "facebook" ва "telegram" ик-

тимой тармоқларида ўз саҳифалари ва каналларини очиб, аҳоли билан қайта алоқани йўлга қўйганлар.

Утган даврда депутатлар худудларда одил судловни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, шахсий тормоқлардан самарали фойдаланиш, "темир дафтар"га киритилган аҳолини қўллаб-қувватлаш, "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" асосида ишчи ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни атрофлича ўрганиб, соҳада тегишли чоралар қўрилишига эришилди.

Сўнгги йилларда парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қонунчилик палатаси депутатларининг 9 нафари ёки 6 фоизи 30 ёшга бўлган ёшларни ташкил этади.

Бугунги кунда палатадаги Ёшлар парламенти аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясида ўзининг аъзолигини тикилди. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очди.

Утган даврда Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилди. Жумладан, Қонунчилик палатасида 2015 — 2019 йилларда 28 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият олиб бorgan бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 50 дан ошди.

Ўзбекистоннинг халқаро шартномалардаги мажбуриятлари бажарилиши ҳамда халқаро йўналишда қабул қилинган "йўл хариталари" ижроси устидан парламент назорати кучайтирилди. Масалан, парламентимиз БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистон томонидан бажаришига, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларини янада яхшилашга доир режалар ижросига ҳам фаол ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган

конституциявий ислоҳотлар натижаси ўларок, парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни янада ошди.

Авваламбор, янги таҳрирдаги Конституцияда Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари ҳамда ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгиланган бўлди. Масалан, аввалги Конституция бўйича Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 та бўлган бўлса, янги таҳрирдаги Конституцияга асосан уларнинг сони 12 гага етди.

Хусусан, Давлат бюджетни ижросини назорат қилиш, Қонунчилик палатасининг ҳисоботи қўриб чиқиш каби ваколатлар бевоқиф халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатасига ўтказилди. Бу ўзгариш қўйи палатанинг вакиллик табиғиятига мос келди ҳамда унинг фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини беради.

Яна бир муҳим масала. Илғор хорижий тажриба илобатга олиниб, Бош вазир номзодини қўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколати Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига ўтказилди. Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартиби жорий этилмоқда.

Худди шундай, Сенатнинг мутлақ ваколатлари ҳам амалдаги 14 тадан 18 гага оширилмоқда. Жумладан, худудий мафратлари ифодаловчи орган сифатида Сенатнинг маҳаллий вакилик органлари фаолиятига қўмақлашиш каби муҳим ваколати Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш принципларида келиб чиқиб, вазирликлар ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ва тугатиш бўйичаги фармонларни тасдиқлаш ваколатини ҳам Сенатга ўтказиш таклиф этилмоқда.

Парламентнинг назорат органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларини лавозимга қўйиш борасидаги функциялари кучайтирилди ҳамда Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтказилди.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ШАКЛИ ТАСДИҚЛАНДИ

Таъкидлаш жоиз, биометрик идентификация қилиш деганда, сайловчининг шахсини ҳамда мазкур сайлов участкасининг сайловчилари рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини махсус қурilmалар орқали Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда текшириш ва тасдиқлаш жараёни тушунилади.

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига овоз бериш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида сайловни ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг тавсиясига асосан, пойтахт-тимизнинг туманлари ҳудудиде жойлашган айрим сайлов участкаларида сайлов кўриш вақтида биометрик идентификация қилиш тизими тажриба-синнов тартибда жорий этилмоқда. Мажлисида тажриба-синнов тартибда айрим сайлов участкаларида сайловчиларни биометрик идентификациялаш тартиби тасдиқланди ва қарор қабул қилинди.

Мажлисида Президент сайловига тайёргарлик қилиш даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди ҳамда Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ва аъзолари томонидан муҳокима этилди.

Бундан ташқари, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига халқаро ташкилотдан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида МСКнинг қарори билан ЕХҲТ ДИХБ, МДХ каби кузатувчи миссияларнинг 43 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шунингдек, мажлисида маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги маҳалла ҳам қўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар асосида 25 та оммавий ахборот воситасининг 124 нафар вакили аккредитация қилинди. Шу билан айни кунга қадар аккредитациядан ўтган ОАВ вакиллариининг сони 353 нафарни ташкил этмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, мажлис давомида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш юзасидан 2-Анджон, 3-Бухоро ҳамда 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик қилиш ва уни юқори таъминлаш даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлари тингланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

Депутатлар — худудларда

АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЎРГАНИЛЯПТИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, фуқароларнинг турмуш шароитларини ўрганиш, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, бу борада парламент назоратини самарали тарзда амалга ошириш мақсадида фуқаролар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Қуйи палата депутаты Назир Собиров Олот туманидаги "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга ажратилган субсидия ва имтиёзли кредитларнинг тарқатилиши юзасидан Пичоқчи маҳалласи аёллари билан учрашди.

Шу маҳаллалик Зилола Маматова нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш учун имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда 2 нафар аёлни иш билан таъминлаган.

Мулоқот чоғида фуқаро З. Маматова юртимизда хотин-қизларга берилётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлардан мамнун эканлигини билдирди. Айни чоғда фаолиятини янада кенгайтириб, маҳалладаги ишчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ниятида эканлиги мълум қилди.

Депутат учрашувлар доирасида кўчамақура юриб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олди. Уларнинг яшаш шароитлари билан танишди.

Хусусан, Денов маҳалласида истиқомат қилувчи Фарида Нуруллаева хонадониде бўлиб, фуқарони ўйлантираётган масалалар билан қизикди.

Шунингдек, депутат тумандаги 5-умумтаълим мактабиде бўлиб, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Муассасада ёшларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган. Оқиб қўлдоқда ўқитувчилар сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришларни алоҳида эътироф этдилар.

Навбатдаги манзил — Усмоншайх маҳалласи. Халқ вакили бу ерда фаолият юритаётган ёшлар етакчиси фаолияти билан танишди. Маҳаллада ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Депутат Н. Собиров ушбу маҳаллада жойлашган оилавий шифокорлик пунктида ҳам бўлди. Бу ерда аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун қонқарли шарт-шароитлар мавжудлиги мълум бўлди. Тиббиёт ходимлари билан мулоқот давомида кўтарилган айрим мурожаатлар шу ернинг ўзиде ижобий ҳал этилди.

Камчиликлар депутат назоратига олинди

Қонунчилик палатаси депутати Умида Раҳмонованинг сайловчилар билан учрашуви ҳам амалий натижаларга бой бўлди.

Дастлаб халқ вакили Когон туманидаги мактабгача ва мактаб таълимида олиб борилаётган ишларни ўрганди.

Бу жараёнда тумандаги 4-умумтаълим мактаби реконструкция қилинган бўлишига қарамай, айрим муаммолар борлиги аниқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Шундан сўнг, халқ вакили 7-сонли "Болажон" оилавий мактабгача таълим ташкилотиде бўлиб, бу ерда болажонлар учун яратилган шароитларни кўздан кенчирди.

Ушбу боғча 75 ўринга мўлжалланган. Келгусида янги лойиҳа — яна бир оилавий боғча босинини қуриш орқали ушбу қамровни 100 ўринга етказиш мақсад қилинган. Аммо оилавий боғча ташкил этиш бўйича тасдиқланган низомида бир кадастрда 50 ўринга рухсат берилиши назарда тутилган. Таъсисчи айни шу масалада ҳуқуқий ёрдам сўраб, депутатга мурожаат қилди.

Депутат У. Раҳмонова ушбу масалани ўз назоратига олиб, тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўришини билдирди.

Ҳақиқат мулоқотларда юзага чиқади

Қуйи палата депутати Одинахон Отахонова ҳам сайловчилар ишончини оқлаб келаётган депутатлардан. У сайловчиларнинг ҳар бир мурожаатини жойига чиқиб ўрганди, уни бартараф этиш чораларини кўради.

Депутат Шахрихон туманидаги бир қатор маҳаллалар, ижтимоий соҳа объектларида бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилди. Фуқароларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳар бир соҳада бўлаётган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

Кейинги манзил — "Trend tex" тикув корхонасида ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Ортимизда тадбиркорларга берилётган имтиёзлар ва имкониятлар хусусида батафсил маълумотлар тақдим қилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги таҳрирдаги Конституциядан ўрин олган нормалар ҳақида кенг тушунарлар берди. Аҳоли томонидан кўтарилган мурожаатларни жойида ҳал этиш чораларини кўрди.

Шундан сўнг халқ вакили хонадонма-хонадон юриб, сайловчилар билан дил-

дан суҳбатлашди. Ишчи юрган ёшлар, хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун зарур тавсиялар берди.

Хусусан, депутат Холдвонбек маҳалласида яшовчи Зухраҳон Тўлақуллова хонадониде бўлиб, фуқаронинг яшаш шароити билан танишди. Фуқарога ногиронлиги бўлган фарзанди борлиги сабабли имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб берилган. Шунингдек, тикувчилик билан шуғулланиши учун ҳам имтиёзли кредит ажратилди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Раҳимжон Эргашевнинг ҳам қарамониде ногиронлиги бўлган фарзанди бор. Халқ вакили унинг яшаш шароитлари, муаммолари билан қизикди.

Мулоқотлар чоғида ҳеч бир фуқаронинг мурожаати эътибордан четда қолмади. Аксарият мурожаатлар тегишли ташкилотлар вакиллари билан биргаликда жойида бартараф этилди.

Муаммоларга ечим топилди

Халқ билан яқиндан мулоқотда бўлмасдан, одамлар ичига кирмасдан туриб, жойларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга, мавжуд муаммоларга ҳолис баҳо бериб бўлмайд.

Шу маънода, Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова Узун туманидаги учрашувлари давомида сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ишчи-ислоҳотлар, янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритди.

Аҳоли билан мулоқотлар давомида фуқаролар томонидан билдирилган турли мурожаатлар тингланди ва тегишли идоралар вакиллари билан уларга ечим изланди. Шу кунги ўз муаммоси билан келган ҳар бир фуқаронинг масаласи ҳал этилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутат тумандаги 1-сонли мактабгача таълим муассасида бўлиб, бу ерда бир гуруҳ фуқаролар билан учрашув ўтказди. Сўнгги йилларда таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар тўғрисида маълумот берди.

Мулоқотлар чоғида фуқаролардан тушган кадастр, ичимлик суви, тиббий хизмат, бандлик ва бошқа соҳаларга оид қўлаб масалалар мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди ва ечим топилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЧИМБОЙДА ИЧИМЛИК СУВИ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алиханов ва унинг ўринбосари Б. Матмуратов Чимбой туманида бўлиб, ҳудудда маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишди.

Сенаторлар дастлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун қурилаётган уй-жойларни кўздан кенчирди. Мазкур уйлар шу ойда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Муҳими, улар уй-жойга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига бепул тарқатилади. Натижада 30 дан ортиқ оилалар ўз хонадонига эга бўлади.

Шунингдек, сенаторлар аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида тумандаги "Қамыс арық" овули фуқаролар йиғини ҳудудидеги "Қамыс арық" сув олиш иншоотида бажарилаётган реконструкция жараёни билан танишди.

Мазкур лойиҳа учун жами 2 млрд. 913 млн. сўм ажратилган бўлиб,

айни чоғда бу ерда тегишли корхона томонидан қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган. Мазкур ишлар жорий йилнинг октябр ойида аяқланиши ва объект фойдаланишга топширилиши режа қилинган. Эътиборлиси, ушбу сайт-хонақарлар натижасида 2 мингдан ортиқ хонадонларнинг ичимлик суви таъминоти яхшиланган.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан туман ҳокимлигини таъминлаш фаоллар ва халқ депутатлари туманидаги "Қамыс арық" овули фуқаролар йиғини ҳудудидеги "Қамыс арық" сув олиш иншоотида бажарилаётган реконструкция жараёни билан танишди.

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Маълумки, аҳоли билан мулоқотлар одамларнинг муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам охириги йилларда барча давлат идоралари, хусусан, Олий Мажлис Сенати томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди.

Аниқ айтилган бўлса, сенаторлар худудлардаги фаолияти давомида аҳоли билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган кўлаб масалаларга ечим топиш чораларини кўрмоқда. Мақсад эса ягона — "Инсон қадрини ўрнатган" деган эзгу гоани амалда қарор топтириш ва аҳоли учун янада қулай шароит яратишдан иборат.

Яқинда сенаторларнинг Андижон вилоятида аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, жамоатчилик вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар билан ўтказилган учрашуви чоғида ҳам қатор мурожаатлар қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Масалан, Андижон шаҳридаги "Баркамол" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ю. Шамсиддинова уй-жойини таъмирлаш, 21 ёшли қизини тиббий қўриқдан ўтказиш ва "ёшлар

дафтари"га киритишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаат тезлик билан назоратга олинди. Пировардида унинг фарзанди Д. Жалилова Андижон шаҳар тиббиёт бirlашмаси тизимидаги 8-оилавий поликлиникада оилавий шифокор ва невролог томонидан тиббий қўри